

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ТАДБИРКОРЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11642894>

**Рахманов Абдурауф Мухаммедович**

ТДИУ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси в.б доценти

Фалсафа фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ёшлар сиёсати ва тадбиркорлигига берилган эътибор ҳамда ёшларимизга иқтисодий билимлар берилиши билан бир вақтда уларда тадбиркорлик фаолияти ҳамда тадбиркорлик маданиятини шакллантириб бориш ва ёшларнинг иқтисодий ислохотлар жараёнидаги фаоллигини оширишга эътибор қаратилган.*

**Калим сўзлар:** тадбиркорлик, ёшлар сиёсати, стратегия, фуқаро, глобаллашув, ижтимоий-иқтисодий, диалектик, таваккалчилик, ҳалоллик, самимийлик, сахийлик, мотивацион бизнес-семинар, тренинг.

### АННОТАЦИЯ

*В статье акцентируется внимание, уделяемое Президентом Республики Узбекистан Ш.Мирзиёевым молодежной политике и предпринимательству, формированию в них предпринимательской активности и предпринимательской культуры одновременно с предоставлением экономических знаний нашей молодежи и повышением активности. молодежи в процессе экономических реформ.*

### ANNOTATION

*The article focuses on the attention paid by the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev to youth policy and entrepreneurship, the formation of entrepreneurial activity and entrepreneurial culture in them at the same time as providing economic knowledge to our youth and increasing activity. youth in the process of economic reforms.*

### KIRISH

Бугунги мураккаб глобаллашув шароитида ёшларни тўғри фаолиятга ундаш, йўналтириш, жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш, бунда ёшларнинг тадбиркорликка бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш орқали

уларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларининг олди олиш ғоят муҳим масаладир.

### ASOSIY QISM

“Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунинг 3-моддасида ёшлар (ёш фуқаролар)-ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар, ёшлар тадбиркорлиги – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидир”[1] -деб таъриф берилган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, “Авесто” дан бошлаб инсон меҳнатини улуғловчи, дангасаликни қораловчи ахлоқий фикрлар, меҳнатсеварликдан сабоқ берувчи ғояларда жамият ва инсон ҳаётининг фаровонлиги алоҳида эътироф этилган. Бу нодир китобда халқимиз тарихи, бой маданий-маънавий мероси, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ҳудудимизда мавжуд бўлган давлатларнинг иқтисодий, сиёсий тизими ва ривожланиш манбаалари кўрсатиб берилган. Зеро, “Авесто” китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, айти пайтда ўзбек халқининг қадриятлари ва маданияти, иқтисодий қарашлари узок асрларга бориб тақалишини исботлайдиган тарихий ҳужжат сифатида аҳамиятлидир.

“Жумладан, “Авесто”да кишиларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларида ўз аҳдида туриш, берилган ваъданинг устидан чиқиш, ўз сўзи ва қасамига содиқ бўлиш, тадбиркорлик, савдо-сотик, иқтисодий муносабатларда тадбиркор мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилиши, инсонлар томонидан ишонч билдирилган омонатни, яъни берилган қарз (моддий нарса-буюм)ни ўз эгасига вақтида қайтариш каби битим, келишув ва шартномавий муносабатларнинг шакли ва айирбошлаш турлари ҳақидаги фикрлар муҳим аҳамиятга эга”[2].

Бундан ташқари инсон тарбиясига бағишланган аллома Кайкавуснинг “Қобуснома” асарида қуйидаги фикрлар берилган. “Эй фарзанд, ўзингни мол жам этмакдин ғофил тутмағил ва лекин ҳар нарсани этмак тиласанг жаҳд қилғил, токи ҳалоллик била жам бўлсун ва ҳамиша сенга боқий ҳамда ёқимли бўлсун.. Аммо дахлинг на чоғлиқ бўлса, харжинг ҳам ул миқдор бўлсун. Шунда сенга қашшоқлик машаққати юзланмағай. Ҳар кишики харжини дахлидин оз қилса, ҳеч вақт қашшоқ бўлмағай”[3].

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, ўзларининг яшашлари учун қайси омиллар етакчи ўринларга эга эканлигини қадимдаёқ мушоҳада эта олганлар.

Бугунги бозор муносабатлари жараёнида иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик ва ишбилармонлик масаласига, жумладан ёшлар тадбиркорлигига катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда биз барпо этаётган Янги Ўзбекистонда илм-фанга эътибор қаратилиши, барча ислохотларнинг калити илм-фанда эканлиги бежиз эмас. Дунёнинг иқтисодий етакчи давлатларида ҳам таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида қаралмоқда. Ҳар қандай жамиятнинг келгуси равнақи айнан ёшларнинг таълим-тарбия, билим ва кўникмалари, ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишишлари ҳамда шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан белгиланади.

Мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч бу – илм-фан, таълим ва тарбия эканлиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, тадбиркор ёшлар фаолиятига ўз таъсирини ўтказадиган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий омилларни аниқлаш долзарб масалалардан биридир. Ёшлар тадбиркорлигига мамлакатимизда кенг йўл очилиши билан бир қаторда тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳам қабул қилинмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуннинг 3-модда (Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси) Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир”[4].– дея изоҳ берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 21 апрельдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[5] ги қарорида бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш масалаларига аълоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон Фармонининг 6-бандида 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида Ёшлар бизнес мактаби, 2022 йилдан бошлаб барча ҳудудларда унинг филиалларини ташкил этиш белгилаб берилган бўлиб, бунда қуйидагилар Ёшлар бизнес мактабининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари сифатида белгиланган.

❖ Мамлакатимиз ва чет элнинг етакчи тадбиркор ва бизнес юритувчиларини жалб этган ҳолда, ёшларга тадбиркорлик фаолияти давомида яхши натижаларга эришиш ва бизнес юритишда хавф-хатарлардан ҳимояланиш усулларини ўргатиш;

❖ Тадбиркорликка қизиққан ёшларни бизнес ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, уларда замонавий бизнес юритиш кўникмаларини шакллантириш, мотивацион бизнес-семинарлар ва тренинглар ташкил этиш белгилаб қўйилган[6].

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик учун зарур шарт-шароитлар яратиш бирламчи вазифа деб белгиланган бўлиб, Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиш жараёни ўзининг маданий, тарихий хусусиятларига эга бўлиб, диний, миллий, маънавий қадриятлар мазмуни билан, мамлакатда вужудга келтирилган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шароит, барқарор тараққиёт билан диалектик мутоносиблиқдадир. Мамлакатимизнинг минтақадаги геосиёсий ўрни ва глобаллашув жараёнининг таъсири натижасида, жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлардан ажралиб қола олмайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти жамиятимизнинг янги ривожланиш босқичида ҳар томонлама жадал суръатлар билан ривожлантирилмоқда ва унинг юксалиш жараёни мамлакатнинг келажаги, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи омил сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Янги Ўзбекистонда амалий натижадорлик, инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаатлари иқтисодий ислохотларнинг бош мезонига айланди... Зеро, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш – фуқаролар, халқимиз фаровонлигини ошириш, ўрта синфни мустаҳкамлашнинг энг самрали йўлидир.”[7]

Тадбиркорлик фаолиятининг ёшлар камолотидаги ўрни, унинг фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнидаги роли, кичик бизнеснинг ҳар бир мамлакат ривожига ўзига хос хусусиятлари, унинг юксалиш жараёни ҳар бир халқнинг менталитети, урф-одатлари, миллий қадриятларига, ёшларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланганлик даражаларига ҳам бевосита боғлиқдир.

Бу борада Президент фармонлари, қорорлари ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июнь “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сон Фармони, 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3856-сон, 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ–4862-сон, 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5242-сон, 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар–Келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5466-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони”[8] ва буларда белгиланган вазифаларнинг амалиётга татбиқ этилиши, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятида ва уларда тадбиркорлик маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Албатта, тадбиркорлик фаолияти инсоннинг жисмоний, интеллектуал, бошқарувчилик имкониятларини янада шакллантиради. Тадбиркорлик бугунги кунда ижтимоий ҳодиса сифатида жамият тараққиётининг ҳозирги даврида ижтимоий қатламларнинг барча вакиллари қамраб олганлигини ҳамда унинг жамият ривожига муҳим воқелик ва омил сифатида эътироф этиш мумкин.

Албатта, тадбиркорлик ишлаб чиқаришнигина эмас, балки олди-сотди, маркетинг, бошқариш, ҳисоб-китоб, молиялаштириш, ходимлар билан ишлаш, креатив фикрлаш, кабиларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун тадбиркорда улкан фидокорлик, меҳнатсеварлик, дунёқарашнинг кенглиги, доимо ўзгариб турадиган шароитда ишлаш учун мосланувчанлик, таваккал қилиш, ҳалоллик, адолатлилик, ватанпарварлик, ташаббускорлик, самимийлик, қатъиятлилик, имонлилик, илмга интилиш каби фазилатлар шаклланган бўлиши зарурдир.. Булар эса ёшларда ижтимоий ҳаётда тадбиркорлик фаолиятида тадбиркорликнинг ахлоқий ва маънавий жиҳатларининг шаклланишига ёрдам беради. Шундай экан, бугунги кунда ёшларда тадбиркорлик фаолиятида, тадбиркорлик маданиятини ҳам шакллантириб бориш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиши лозим деб ўйлаймиз.

- ❖ Тадбиркорликда ҳололлик;
- ❖ Бировнинг мулкига кўз олайтирмаслик;
- ❖ Самимий муносабатда бўлиш;
- ❖ Таваккалчилик;
- ❖ Маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксак даражада шаклланганлик;
- ❖ Ҳиқуқий билимларга эга бўлиш;

❖ Кенг дунёқараш ва фикрлашга эга бўлиш  
❖ Ватанпарварлик ва бошқа фазилатларни шакллантириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш жараёнида эътибор бериши зарур бўлган жиҳатлар сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

**Биринчидан** тадбиркорликнинг қайси тури билан шуғулланишни аниқлаб олиш ҳамда ишлаб чиқаришда рақобатбардош маҳсулотларга эътиборни қаратиш керак.

**Иккинчидан**, бизнес режани аниқ ва мустаҳкам қилиб, режа тузиш жараёнида ушбу соҳадаги мутахассис ва тажрибали тадбиркорлар билан маслаҳатлашиш муҳимдир.

**Учинчидан**, тадбиркорлик фаолиятига киришишдан олдин ҳуқуқий жиҳатдан саводхонликни ошириб олиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

**Тўтинчидан**, тадбиркорликда албатта ахлоқий норма ва қадриятларга эътибор қаратиш лозимдир.

**Бешинчидан**, тадбиркорлик фаолияти жараёнида доимий равишда дунёқараш ва фикрлаш жараёнини шакллантириб боришга эътибор бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Олтинчидан**, тадбиркорлик машаққатли меҳнатни талаб қилишни ва бунда ирода мустаҳкамлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик лозимдир. Ёшларга оид давлат сиёсатининг энг муҳим соҳалар жараёнларини амалий тадқиқ этиш мавжуд муаммо ва қўйилган вазифаларга ечими топиш ва уларни бартараф этишда қуйидаги таклифларга эътибор қаратилса мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ёшларга оид давлат сиёсатини қонун ва қарорлари бўйича Президент Фармонлари моҳиятини мукамал тушунтириш;
2. Ёшларга оид давлат сиёсатида кўрсатилган асосий тамойиллар хусусиятларини илмий тадқиқ этиб, ёшларга етказиш;
3. Жамиятни модернизациялаш жараёнларида давлатнинг ёшларга оид сиёсатини янада мустаҳкамлаш йўлларини белгилаш;

## **XULOSA**

Хулоса сифатида айтиб ўтиш лозимки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида жамиятга муносиб креатив фикрлайдиган, ижтимоий-сиёсий фаол дунёқараши кенг, инновацион ғояларни илгари сурадиган ёшларни тарбиялаш зарурдир. Бинобарин, бугунги кунда ислохотлар жараёнида қуйидагиларга катта эътибор қаратилаётганлиги, таҳсинга сазовордир. Жумладан:

Биринчидан, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ташаббуслари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар кесимида турли жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда;

Иккинчидан, билимли, қобилиятли, инновацион ғояларни илгари сурадиган ташаббускор ёшлар давлат сиёсати даражасида ижтимоий-иқтисодий рағбатлантириш вужудга келтирилди;

Учинчидан, келажак авлодни ижтимоий-иқтисодий муносабатларда мослашишлари ва ўз ўрнини топишлари учун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда;

Тўртинчидан, давлат сиёсати даражасида комил инсонларни тарбиялаш ва лидер ёшларни камол топтириш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан турли тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. <https://lex.uz/acts/3026246>
2. Ҳ.Бобоев ва бошқ. “Авесто” Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги Т.: “Тошкент молия институти” 2004 й 33-б
3. Кайковус. Қобуснома Т.: “Ўқитувчи” 1986 й, 72-73-бет.
4. <https://lex.uz/docs/2006789>
5. <https://lex.uz/docs>
6. <https://lex.uz/docs/5512119>
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашр. Тошкент. Ўзбекистон. - Б 50.
8. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O‘zbekiston: inson qadri ulug‘langan yurt. – Tashkent: “Ilm-Ziyo-Zakovat” MChJ. - 209.
9. Sultanov, T. (2023). Socio-philosophical analysis of youth intellectual potential and human capital development. Academia Science Repository, 4(05), 1-10.
10. Mamatkulov, S. (2024). Some Aspects of Increasing the Social Activity of Young People in Uzbekistan (Harmony of National and Foreign Experience). Central Asian Journal of Social Sciences and History, 5(1), 116-135.
11. Саифназаров, И. (2022). Pragmatizm tadbirkorlik falsafasi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 924-929.
12. Маматқулов, Ш. Т. (2022). Ёшлар фаоллигини шакллантириш механизмлари: муаммо ва ечимлар. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 985-993.
13. Sultanov, T. (2014). Intellectual potential-spiritual heritage. Europäische Fachhochschule, (6), 67-68.